Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 20 июнь шанба

Сотувда эркин нархда № 124 (1905)

ЯНГИЧА ФИКРЛАБ, ЯНГИЧА ИШЛАШГА ЎРГАНАЙЛИК

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг борищи,пахта ва дон етиштириш, ғўза парвариши ва ғалла ўрим-йиғими қандай бораётгани, соҳага тааллуқли янги қонунларнинг жойларда қай даражада татбиқ этилаётгани билан танишиш мақсадида 18-19 июнь кунлари Андижон ва Фарғона вилоятларида бўлди.

Президентимизнинг водий бўйлаб сафари Андижон вилоятидан бошланди. Дастлаб, Олтинкўл тумани "Намуна" жамоа хўжалигидаги Маъруф Насриддинов бошчилик қилаётган бригаданинг бўғдойзорлари кўздан кечирилди.

Деҳқон мавсумда ўз ташаббуси билан хориждан келтирилган юқори навли бўғдой уруғлигини гектар бошига ўртача 230 килограммдан эккан эди. Экин алоҳида меҳр ва эътибор билан парвариш қилингани туфайли мўл ҳосил етиштирилди. Уруғлик сепилишидан илгари ер яхшилаб текислангани, экин суғорилгандан кейин чопиқ қилиниб, бегона ўтлардан тозалангани ўз самарасини берди.

Хўжалик аъзолари билан суҳбат чоғида бу даладан ўртача 85 центнердан ҳосил йиғиштириб олиш кўзланаётганлиги таъкидланди. Бундай юқори кўрсаткичга эришиш осон эмас, албатта. Лекин, деҳқонларнинг ташаббускорлиги, изланувчанлиги, ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлиги уларни шундай маррани мўлжаллашга ундади. Ҳақиқатан ҳам, бўлиқ ҳосил пишиб етилди.

Президентимиз бундай ғайрат-шижоат учун деҳқонларга мамнуният изҳор этар экан, хўжалик аъзоларининг турмуши, меҳнат шароити билан қизиқди. Асосий эътибор ишни янгича ташкил этиш масалаларига қаратилди. Бунда гап қишлоқ хўжалигини юритишда, хусусан, пахта ва ғалла етиштиришда пудрат усулини қўллаш ҳақида борди. Ислом Каримов бу борада оила пудрати асосида иш юритиш бир қатор афзалликларга эга эканлигини таъкидлади. Бу усул меҳнат, иш ҳақи тақсимотида анча енгиллик келтириб чиқаришини уқтирди.

Масалан, битта бригадада ўртача 80 киши ишлайди, оилавий пудрат усули бўйича эса асосан оила аъзолари, яъни ўртача ўн киши меҳнат қилади. Бригададаги саксон кишининг ҳаммаси ҳам бир хил ишламаслиги равшан, масъулият ҳам муайян шахс эмас, бутун жамоа зиммасига тушади. Бу эса иш ҳақини тақсимлашда маълум англашилмовчиликлар, баъзида адолатсизликларни келтириб чиқаради. Аниқроқ айтганда, кимдир нисбатан озроқ ё сифатсизроқ ишлайди, кимнингдир меҳнати эса сифатлироқ ва унумлироқ бўлади. Аммо бригада битта бўлгани боис уларнинг иккаласи ҳам қарийб бир хил миқдорда ҳақ олади. Бу деҳқонда ўз меҳнати натижаларидан қониқмаслик ҳиссини уйғотиши, табиий. Натижада ишга масъулиятсизлик, меҳнатга совуққонлик пайдо бўлади, ҳосилдорлик камаяди, иқтисодий ва ижтимоий муаммолар пайдо бўла бошлайди.

Оила пудрати шароитида эса, хўжалик аъзоларининг меҳнатга муносабати тамомила ўзгача. Самарадорлик камайса, бунинг учун масъул бўлган муайян шахс мавжуд, иш ҳақини тақсимлашда юқоридаги каби адолатсизлик бўлмайди. Бу жараён бора-бора пайчиликка айланиб кетади. Замон эса айнан шу усулда иш юритишни тақозо этмоқда. Эндиликда боқимандалик, мулкка бефарқ муносабат, буйруқбозлик билан ишлайдиган даврлар ўтиб кетди. Бугунги кунда ҳаммамиз янгича фикрлаб, янгича ишлашни ўрганишимиз лозим.

Ислом Каримов меҳнаткашлар билан учрашувларда уларнинг шу хусусдаги фикри билан қизиқди.

— Бу ерга келишдан асосий мақсад, кишиларнинг турмушини кўриш, уларнинг меҳнат фаолиятида юзага келаётган муаммолар, турли қийинчиликларни ўрганишдан иборат. Яқинда соҳага доир янги қонунлар, қарорлар қабул қилинди. Буларнинг барчаси аҳоли турмуш даражасини кўтариш ва меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган, — деди мамлакатимиз раҳбари.

Жойларда бу борадаги аҳволни, алоҳида вилоят, туманлардаги вазиятни ўрганиб, янги қонунларнинг амалда кишиларга қандай наф келтираётганини, уларни қониқтирмаган жиҳатларини ўрганишни ҳам мақсад қилган Ислом Каримовдан деҳқонлар ўз фикрларини яширмадилар.

Меҳнаткашлар билан учрашувларда Ислом Каримов қишлоқ хўжалигидаги ҳисобкитоб масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Гап шундаки, кўпчилик деҳқонлар ўз меҳнатининг пировард натижасида қанча ҳосил олиш мумкинлигини, қандай кўрсаткичларга эришишини тахмин қила олади. Лекин, пировард даромад, соф фойда миқдори ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас. Бу ҳам маълум маънода ривожланишни оқсатадиган омиллардандир.

Мамлакатимиз раҳбари Баликчи туманидаги қатор жамоа хўжаликлари участкаларида бўлиб, пахта ва ғалла майдонларини кўздан кечирар экан, бу ерларда ҳам меҳнаткашлар турмуши, иқтисодий-ижтимоий вазият билан яқиндан танишди. Ижтимоий-иқтисодий вазият деганда, бир масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Масалан, Мунисхон Муродиллаева раҳбарлик қилаётган "Ўзбекистон" жамоа хўжалигида 11 минг киши яшайди. Лекин, улардан 3 минг нафаригина хўжаликда меҳнат қилади, холос. Раисанинг айтишича, хўжалик ҳудудида бир фабрика, кичик цехлар, майший хизмат шоҳобчалари бор. Аммо, фабрикада 300 киши, қолган корхоналарда ҳам тахминан шунча одам ишлаши ҳисоба олинса, меҳнат билан банд бўлган аҳоли сони 4 мингдан ошмайди.

Андижон вилоятида бундай мисолларни кўплаб учратиш мумкин. Чунки, вилоятда аҳоли кўп ва зич жойлашган. Демографик харитага назар солган киши унинг нафақат республика ёки Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунёда ҳам аҳоли зичлиги бўйича юқори ўринларда турганини кўради. Бунинг устига, ушбу вилоятда нуфус йилига 3 фоиз кўпаймоқда. Шу боис, Ислом Каримов ортиқча ишчи кучини бошқа соҳаларга жалб этиш кераклигини таъкидлади. Дарҳақиқат, қишлоққа саноатни олиб кириш зарурлигини Президентимиз кўп бор уқтирган. Шундай қилинса, маҳаллий аҳоли иш билан тўлароқ таъминланади, эҳтиёжининг катта қисми шу ердаги ишлаб чиқариш ҳисобига қопланади, боқимандалик қайфияти, жиноятчилик ва бошқа иллатлар илдиз отмайди. Бироқ, афсус билан таъкидлаш керакки, қишлоққа саноатни олиб кириш, кичик корхоналар очиш ишлари ҳамон кўнгилдагидек эмас.

— Асакадаги "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси барпо этилгач, минглаб одамлар иш билан таъминланди, замонавий касб-ҳунарга эга бўлди. Лекин, бир-иккита йирик корхона билан кўпчиликни иш билан банд этиб бўлмайди. Хўжаликларда кичик корхоналар очишни кучайтириш керак, — деди Президент.

Кичик корхона ташкил этишда, аввало, шароитни маркетинг нуқтаи назаридан ўрганиб чиқиш керак. Жойларда қандай имконият ва қанақа эҳтиёж борлигини билиш лозим. Бозор шароити, муҳит, нимани ишлаб чиқариш ва сотиш учун қулаю нима ноқулай? Андижон вилоятида ва умуман республикамизнинг бошқа минтақаларида ҳам бу масала, афсуски, ҳали чуқур ўрганилмаган.

— Бозорни ўрганиш керак, — деди Ислом Каримов, — фақат шундан кейингина тавсия ва таклифларни илгари суриш мумкин. Биз янги замонда яшаяпмиз. Четдан кимларнингдир келиб бизга кўмак беришига умид қилиш — хато.

Президент боқимандалик кайфиятида нима бўлганда ҳам "юқоридагилар ўйласин" деган фикрда яшайдиган даврлар аллақачон ўтиб кетганини яна бир бор қайд этди. Ҳақиқатан ҳам, одамларни зўрлик билан ишлатиш, уларни мажбурлаб бирор тартиб жорий қилиш даври ўтди. Энди ташаббус ўзимиздан чиқмоғи лозим.

Сафар чоғида Ислом Каримов Андижон туманидаги ғалла уруғчилиги тажриба майдонида бўлиб, олимлар синовдан ўтказаётган турли бўғдой навларини кўздан кечирди. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Дилшодбек Эралиев мамлакатимиз раҳбарига тажриба жараёнлари, эришилаётган натижалар ҳақида сўзлаб берди. Раҳбар ходимлар, мутахассису олимлар билан мулоқот чоғида Ислом Каримов "Краснодар", "Авукрум", "Крошка", "Юна", "Деметра", "Купава" сингари қатор бўғдой навларининг хусусиятлари, ҳосилдорлиги, иқлим шароитига мослиги, касалликларга чидамлилиги билан қизиқди. Шунингдек, юртбошимиз уруғчиликни ривожлантиришнинг иқтисодий ва сиёсий аҳамияти ҳақида сўзлади.

— Ғалла мустақиллигини қўлга киритиш учун 4,5 миллион тонна ҳосил йиғиб олишимиз зарур,— деди Президент.— Бунинг учун эса уруғни ўз вақтида етказиб бериш керак. Андижон вилояти қарийб бутун республикадаги суғориладиган ерлар учун уруғлик бўғдой етиштириб беради. Бу борада эътибор қаратиш лозим бўлган яна бир муҳим жиҳат бор. Уруғни танлаш ва кўпайтиришда ҳар бир вилоятдаги тупроқ ҳамда иқлим шароитини инобатга олиш лозим.

Президент ўтган йилги уруғлик бўғдой кўп томонлама яхши натижалар берган бўлса-да, айрим жойларда эътироз ҳам туғилганини айтиб, масаланинг сиёсий жиҳатига тўхталди ва истиқлолимизни мустаҳкамлаш учун, аввало, иқтисодий жиҳатдан тўла мустақил бўлишимиз кераклигини қайд этди.

Ғалла майдонларини кезар экан, давлатимиз раҳбари меҳнаткашларнинг "Кейс" компанияси комбайн ва тракторлари ҳақидаги фикри билан ҳам қизиқди. Улар бу машиналарнинг ҳар томонлама қулайлигини мамнуният билан таъкидлашди.

— Бу ерларда ҳосил шу қадар мўлки, уни илгариги комбайнларда ўриб бўлмайди,— деди Ислом Каримов меҳнаткашлар билан мулоқотлардан бирида.— Чунки, эски русумли комбайнлар ҳосилнинг катта қисмини нобуд қилади. "Кейс"лар эса улардан бир неча баробар тез, сифатли ишлайди. Бу машинада ҳайдовчи учун яратилган шарт-шароит ҳам тамомила ўзгача.

Андижон бўйлаб сафари чоғида Президент Ислом Каримов Хўжаобод туманидаги ерости газ омбори қурилишида ҳам бўлди. Лойиҳасининг умумий қиймати 200 миллион

АҚШ долларига тенг мазкур иншоот бутун Фарғона водийси аҳолисини газ билан таъминлаш қувватига эга. Мутахассислар Ислом Каримовга омборга ўрнатилган қурилма ва жиҳозларнинг ишлаш жараёни, қурилиш ишлари ҳақида батафсил сўзлаб берди. Иншоотнинг биринчи навбатини 15 августда ишга тушириш режаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари иншоот билан танишар экан, уни янада сифатлироқ қуриш, жаҳон андозаларига мос асбоб-ускуналар билан таъминлаш, техника хавфсизлигига қатъий риоя этиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шу куни Ислом Каримов Фарғона вилоятига ҳам ташриф буюриб, Қува шаҳрида буюк аллома Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик тўйига бағишлаб барпо этилаётган Шаҳристон меъморий мажмуи қурилишини кўздан кечирди. Мазкур мажмуа Қува тепалигида бунёд этилмоқда. Тепаликда қазилма ишлари ўтказган олимлар ундан ноёб тарихий ашёлар, осори атиқалар топмоқда. Қурилиш ишлари билан танишар экан, Президент:

— Бу ерда ўтказилаётган қазилма ишларига илмий нуқтаи назардан туриб, ўта жиддий ёндошмоғимиз зарур,— деди. — Бу заминда Ал-Фарғонийдек буюк алломаларимиздан илгари ҳам тараққиёт ривож топган. Аминманки, қазилма ишлари давом эттирилса, 2,5-3 минг йиллик тарих юзага чиқади.

Ислом Каримов Шаҳристон мажмуини янада гўзал ва обод этиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди, маслаҳатлар берди.

Сафарнинг иккинчи куни Президент Ислом Каримов Фарғона шаҳрида бунёд этилаётган Ал-Фарғоний номидаги марказий майдон ва истироҳат боғига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари қурилиш жараёни билан танишар экан, бу ерда собиқ тузум даврида шўролар мафкурасига хизмат қилган, ўзбек халқининг гуруринни поймол этадиган ёдгорликлар ҳали-ҳануз кўзга ташланаётганини танқид қилди.

— Биз абадий қоладиган масканларни барпо этишимиз лозим,— деди Президентимиз.— Ҳар бир ашёни нозик дид билан ишлаб чиқиш, узоқни кўзлаб иш тутиш керак. Ал-Фарғонийнинг ҳайкали, боғдаги дарахтлар, фавворалар, ариқлар, йўлакларнинг ҳаммаси шундай бўлиши керакки, бу ерга кирган киши ҳузур қилсин. Шундагина бунёд этилаётган бу маскан ҳақиқатан ҳам чинакам оромгоҳ бўлади.

Ислом Каримов Фарғона кимёвий толалар заводи қошидаги "Полиамид-6" корхонасида бўлиб, фаоллар билан суҳбатлашди. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, маҳсулотнинг эҳтиёждан ортиғи экспортга чиқарилади. Бу экспорт ҳажми 21 миллион АҚШ долларини ташкил этади, демакдир.

Дастлаб, корхонада фақат гранула ишлаб чиқарилган эди. Кейинроқ унга автомобил шиналарининг мустаҳкамлигини оширадиган махсус қатлам - шина корти қўшилди. Яқин келажакда палос тагликлари ҳам ишлаб чиқарила бошланади. Мутахассисларнинг айтишича, сарфланган харажатлар беш йилда қопланади. Ташриф чоғида давлатимиз раҳбари корхонада меҳнат қилаётган хорижлик ҳамкорлар билан мулоқотда бўлди. Уларнинг юртимиздаги ҳаёти, меҳнат шароити билан қизиқди.

Ислом Каримов Фарғона вилояти ҳокимлигида фаоллар билан бўлган учрашувда ислоҳотларни жадаллаштириш, унда раҳбардан тортиб оддий деҳқонгача фидойилик кўрсатиб ишлаши лозимлигига йиғилганлар эътиборини қаратди.

Учрашувда қишлоқ хўжалигида иш юритишнинг оила пудрати, аҳолини иш билан таъминлаш сингари ижтимоий масалалар хусусида сўз юритилди.

Йўлбошчимиз эл-юрт учун, Ватан манфаати учун астойдил ишлаш лозимлигини яна бир бор таъкидлади. Шундагина мустақилликни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашга, халқнинг турмуш даражасини оширишга эришиш мумкин, деди пировардида давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимиз раҳбарининг Андижон ва Фарғона вилоятларига сафарида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Матбуот котиби А. Зиёев, Андижон вилояти ҳокими Қ. Обидов, Фарғона вилояти ҳокими Н. Мўминов ҳамроҳлик қилди.

Президент Ислом Каримов 19 июнь куни Тошкентга қайтиб келди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири.
А. ТЎРАЕВ олган суратлар.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА

ҚЎШМА КОРХОНАЛАР МАҲСУЛОТИ ОРТМОҚДА

Кеча Олий Мажлис Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталарининг қўшма мажлиси бўлди.

Мажлисда «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуннинг Тошкент вилоятида бажарилиши масаласи муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Илҳом Асадов ва Олий Мажлис Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси котиби Турсунбой Файзуллаевлар ҳисобот бердилар.

Мажлисда таъкидланганидек, жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра вилоятда 133 та чет эл инвестициялари иштирокидаги қўшма корхоналар рўйхатга олинган бўлиб, булардан 89 таси фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили қўшма корхоналар томонидан 1430,4 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва хизмат кўрсатилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 2738,2 миллион сўмга етди ёки 1,9 баробарга ортди.

Шунингдек, вилоятда ушбу Қонуннинг бажарилиши юзасидан камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилаётгани таъкидланди. Рўйхатга олинган 133 та қўшма корхонанинг бугунги кунда 30 фоиздан зиёди ишламаётгани ушбу хулосанинг далилидир.

Мажлисда шу соҳа вакиллари иштирокида ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ талай муаммо ва вазифалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Уларни ҳал қилиш воситалари хусусида таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Кўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Мажлисни Олий Мажлис Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси раиси Анвар Йўлдошев олиб борди.

Мажлисда Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б.Бугров, Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э. Воҳидов сўзга чиқди.

И. ХУДОЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЙИЛ ОЙЛАРИ ОЙЛАРИ КУНЛАРИ — СОАТ — ЖУМА ХАБАРЛАРИ

● «ҒАЛЛА — 98»

КОНИМЕХНИНГ КАТТА ХИРМОНИ

— Конимех тумани ғаллакорлари Навоий вилоятида биринчи бўлиб давлатга дон топшириш шартнома мажбуриятини бажарди, — деб хабар қилди Парда Жумаев. — Мавжуд 1656 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42 центнердан, жами 5 минг тоннага яқин ғалла йиғиштириб олинди. Топшириқ тўққиз иш кунида бажарилди. Ўрим-йиғим техникаси ва транспорт воситаларидан унумли фойдаланилгани, далада ишловчилар учун зарур маданий-маиший шароит яратилгани муваффақият гарови бўлди. Ғаллакорлар ялпи хирмонни етти минг тоннага етказишга қарор қилишган.

● МАШВАРАТ

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАСИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлди, — дея хабар қилади Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. — Унда тегишли вазирлик ва идоралар, қўмита ва жамоат ташкилотлари, ҳокимликларнинг раҳбарлари қатнашди.

Йиғилишни Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д. Ғуломова бошқарди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятлари томонидан маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идоралари ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда аёллар ва воғга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган амалий ишлар ҳақидаги масала муҳокама этилди. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари — шаҳар ва вилоят хотин-қизлар қўмиталари раислари, бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг шу масала хусусидаги ахборотлари тингланди.

Йиғилишда кейинги вақтда Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида бу борада муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди, бу йўналишда ҳали мавжуд камчиликларни тезроқ бартараф этишга эътибор қаратилди. Бу борада оналик ва болалик муҳофазасига оид давлат қонунлари, ҳукумат қарорлари, БМТнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир Конвенциялари қоидаларини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича конференциялар, семинарлар, танловлар, савол-жавоб кечалари ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

● БАЙРАМ ШАРАФИГА

БИРИНЧИ ЎРИНГА 200 МИНГ МУКОФОТ

— Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ажойиб ташаббус билан чиқди, — деб хабар қилади ўз мухбиримиз Гули Чеҳра. Ҳозир қайга борманг, кўчаларни тўлдириб юрган болакайларни кўрасиз. Айниқса таътил пайтлари бошланди, дегунча уларнинг ошиғи олчи бўлади. Яъни, сўрайдиган-суриштирадиганлар камаяди-да. Шу боис шаҳар маҳалла ўсмирлари ўртасида «Чарм тўп» мусобақаси ўтказишга қарор қилинди. Бу беллашувнинг ҳам тарбиявий, ҳам жисмоний аҳамияти катта.

Мустақиллигимизнинг етти йиллиги олдидан ўтказилаётган бу мусобақа август ойида якунланади. Мукофотлар ҳам чакки эмас. Биринчи ўринни эгаллаган командага 200 минг сўм, иккинчи ўринга 100 минг сўм, учинчи ўринга эса 50 минг сўм пул мукофоти белгиланди.

АЛЛО «ХАЛҚ СЎЗИ»МИ?

«КИТОБЛАР УЙИ» БЎЛСА...

— Мен ТошДУнинг фалсафа кафедраси кабинет мудири Қаҳрамон Мўминжоновман.

— Марҳамат, эшитамиз.

— Шу десангиз, Тошкент бугунги кунда дунёнинг назарига тушган энг катта шаҳарларидан бири. Қолаверса, Шарқда нуфузи баланд пойтахтлардан саналади. Лекин бу ерда бугунги кунда замонавий ва қўпчиликнинг эътиборини тортадиган китоб дўконлари кам. Тўғри, шаҳарнинг уч-тўрт жойида шундай «фассаж»лар бор. Ҳатто айримлари ёпилиб ҳам кетди. Бозорларининг ҳозир бозори чаққон эмас.

Дунёдаги аксарият давлатларнинг пойтахтларида «Китоблар уйлари» бор. Уларнинг хазиналари ҳам анча бой. Турли тиллардаги китобларни бир зумда топиш мумкин. Бизда эса...

Таклифим: агар имкони бўлса, Тошкентда ҳам «Китоблар уйи» ташкил этилса, яхши бўларди. Ана шунда бугун жаҳоннинг турли бурчакларидан ташриф буюраётган хорижлик меҳмонлар китоб дўконларимизни зиёрат қилсалар, хижолат тортмасдик.

Телефонларимиз:
133-15-22, 133-52-55
133-07-48, 136-37-85

Соат милларини Норқобил ЖАЛИЛ кузатди.

Кигиз кимники бўлса, шунинг билаги қаварур. Фосфорит заводида бўлганимизда кадоқ қўли меҳнаткашлар, билаги қаварган кончиларни кўриб, бу кон, бу ер ости бойлиги айнан шу инсонларники эканлигини англадик. Жўнатишга тайёр турган улкан вагонлар бикинига «Мамлакатимиз деҳқонларига — Қизилқум фосфорити!» деб ёзиб қўйилган. Қалбимизда фахрланиш туйғуси жўш урди. Энди ўзбек деҳқонининг ҳосили янада мўл, дастурхони тўкин ҳам серфайз, баракали бўлади. Бу кунларни орзиқиб-орзиқиб кутган эдик.

МУСТАҚИЛЛИК: ЕТТИ ЙИЛ МЎЛЖИЗАЛАРИ

АССАЛОМ, ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТИ!

«ЭШИГИНГНИ ОЧГИЛ, ОЧАҚОЛ...»

Қизилқум чўлларининг чегараси йўқ-ғўё. Унинг ҳудудига Европадаги Бельгия, Голландия, Швейцария, Люксембург каби давлатларни бемалол сиғдириш мумкин. «Қуш уча қаноти, одам юрса оёғи куяди», деб таъриф бериладиган аладсиз биёбон, қумликлар макони бу ер.

Узбекистон табиий харитасида асосан қизғиш-сариқ рангда шартли равишда белгиланган Қизилқум, ҳақиқатан, қуп-қуруқ саҳроми? Менделеев жадвалидаги ҳамма моддалар, металлар ва элементлар Қизилқум бағрида яшириниб ётганлигини олимлар аллақачон исбот қилганлар. Шунга қарамасдан, бу бойликларнинг 16 фоизи ўрганилиб, аниқланган. Сўнгги маълумотлар эса Қизилқум ер ости бойликларининг 6 фоизи ўзлаштирилганлигини билдирянти. Хуллас, Қизилқум бағрига кириш «Эшигингни очгил, очақол» деб қўйилаётган болалар қўшиғини эслатади.

Қизилқум бойликларини ўзлаштириш тўлиқ маънода 60-йилларнинг охирларида бошланди. Зарафшон шаҳрида Навоий тоғ-кон металлургия комбинатининг 2-гидрометаллургия заводи ишга туширилди. Биринчи олтин қуймалари 1969 йилда олинди.

Республика ҳукумати мустақиллик йилларида Қизилқум бойликларини ўзлаштиришни, бу бойликларни Истиқлол манфаатларига хизмат қилдиришни асосий мақсад қилиб қўйди. Бу масъулятли иш Навоий тоғ-кон комбинати зиммасига юкланди. Жаҳон харитасида мисли кўрилмаган воқеалар содир бўлди. 1995 йилда Учқудуқдаги 3-гидрометаллургия заводи, «Зарафшон — Ньюмонт» қўшма корхонаси ишга туширилди. Ҳамдўстлик мамлакатларининг айримларида иқтисодий парокандалик, сиёсий бошбошдоқлик авж олиб кетган бир шароитда йилига катта миқдордаги рудани қайта ишлайдиган бу қўшма корхонанинг ишга туширилганлигига америкалик ҳамкорлар ҳам қойил қолдилар. «Агама» трикотаж фабрикаси, тилла буюмлари заводи ҳам истиқлол инъом этган мевалар сирасига киради.

(Давоми 2-бетда).

МУСТАҚИЛЛИК: ЕТТИ ЙИЛ МЎЪЖИЗАЛАРИ

АССАЛОМ, ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТИ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҚИШЛОҚҚА ЮЗ ТУТИШ

— Кончилар энди қишлоққа юз тутишни бошладилар, — деган эди Николай Кучерский унга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва Олтин Юлдуз топширилаётган пайтда. Ҳақиқатан ҳам, кўп ўтмай 1997 йил 20 февралда Қизилқум кенгликларидаги Жерой ер ости маъданлари бойликлари тизимига кируччи Тошқора конидан топилган фосфоритни ўзлаштириш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Бу муҳим вазифа ҳам конметаллургия комбинати зиммасига юклатилди.

Жерой кенгликларидаги Тошқора конида фосфорит шлакоблоки бунёд этиш ғояси бирданига туғилгани йўқ. Тўғрироғи, бу конни ўзлаштириш ишлари 1992 йилда бошланган эди. Республика «Ўзкимёсаноатсотиш» давлат концерни бу вазифани уддалашга уриниб кўрди. Нима бўлганда ҳам қишлоқ хўжалигини фосфорли ўғит билан таъминлаш зарур. Тармоқда унинг аҳамияти беқиёс. Қўқон, Самарқанд, Чирчиқдаги фосфорит заводлари хом-ашёни Қозоғистондан олади. Бу йилига камида 160-180 минг тоннани ташкил этади. Ўзбекистонда ана шундай хомашё заҳираси бўла туриб, четдан хомашё келтириш иқтисодий ислоҳотларимиз манфаатларини чеклаб қўйган бўлар эди.

Шу маънода, «Ўзкимёсаноатсотиш» давлат концернида мавжуд заҳираларни ўзлаштириш учун маблағ ва куч-қувватнинг мунтазам етишмаслиги Қизилқум фосфорит комбинати қурилишини шубҳалар остига кўмиб ташлади. Бунинг устига Қизилқум фосфорит заҳирасининг фойдали рудаси 44 фоиз, Тошқора кониники эса 10 фоиз эканлиги концерн мутахассисларини ўйлантириб қўйди. Ана шундай вазиятда республика Президенти ва Ҳукумати Қизилқум-фосфорит комбинатининг биринчи навбатини 1998 йилнинг биринчи чорагида узил-кесил ишга тушириш вазифасини қўйди. Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири қурилиш бўйича Ҳукумат комиссиясини бошқарди.

Шу тариқа Навоий тоғ-металлургия комбинатининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга юз буриши бошланди. Бошланган бурилиш шу қадар залворли бўлдики, фосфорит комбинати биринчи навбати бир йилу уч ойда фойдаланишга топширилди. Мамлакатимизнинг ўз фосфорит рудаси — Қизилқум-фосфорит комбинатининг туғилиши 1998 йилнинг 27 май санаси билан муҳрланди.

ЎЗБЕК-ШВЕЦИЯ МОДЕЛИ

Қизилқум фосфорит қурилишида жаҳон тажрибасида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Тинч қўламдаги шиддаткор ҳамкорликни бир сўз билан айтганда, ўзбек-швеция модели, дейиш мумкин. Бу Швециянинг «Сведала» фирмаси мутахассиси Пол Енсоннинг фикри, ҳайрати.

Фирма АҚШ, Голландия, Бельгия, Италияда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар туркумини комбинат қурилишига жўнатиб турди. «Сведала» бойитиш фабрикаси учун 8 миллион 924 минг АҚШ долларилик асбоб-ускуналар, агрегатлар келтирди.

Бойитиш фабрикасида қурилиш-монтаж ишларини «Жанубийсаноатмонтаж» тресті бунёдкорлари амалга оширдилар. Зеро, бундай ўта мураккаб ва нозик амалларни бажариш уларга чўт эмас. Улар бу сафар ҳам ишни қойилмақом этиб адо этдилар.

— Монтаж ишларида шундай воқеалар содир бўлдики, фавқулодда чоралар кўришга тўғри келди, — ҳикоя қилади қурилиш-монтаж ишлари участкаси бошлиғи В. И. Суходебенко. — Фирма шу йилнинг бошларида бир туркум асбоб-ускуналар жўнатишни кечиктира бошлади, сабаби суриштирилганда, Европадаги ва Океан ортидаги ҳамкорлар панд бераётганликларини айтишди. Аммо уларнинг 1955 йилги нусхалари борлигини билдиришди.

Нима қилиш керак? Агар яна кутиладиган бўлса вақт ютқазилади, қурилишни уддалаш борасидаги ҳукумат топшириғи бажарилмайди.

Ана шунда комбинат бош директори Н. И. Кучерский қатъий қарорга келди: «Асбоб-ускуналар олинсин, ўзимизда қайта созлаймиз!»

Николай Ивановичнинг қатъиятлилиги монтажчиларга ҳам кўчди. Асбоб-ускуналар ўз вақтида олиниб, Навоий таъмирлаш механика заводида зўдлик билан қайта созланди. Уларни кўриб, шведларнинг ўзлари ҳам қойил қолишди.

Хуллас, фосфорит заводи қурилишининг ҳукумат топшириғи ўз вақтида бажарилди! Эндиликда «Қизилқумфосфорит» комбинати мамлакатга фосфорит рудаси бермоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Тошқора конида бу қимматли руданинг 5 миллион тонналик заҳираси бор. Комбинат йилига 300 минг тонна хомашё тайёрлашини ҳисобга оладиган бўлсак, иқтисодиётимиз, хусусан, қишлоқ хўжалиги яна неча ўн йиллар мобайнида фосфорли ўғит билан таъминланишига амин бўламиз.

Комбинат ҳозирданоқ Қўқон фосфорит заводига 50 минг тонна хомашё жўнатди. Яқин орада Самарқанд суперфосфорит ва Чирчиқ заводларидан хомашё ола бошлайдилар. Дарвоқе, фосфорит комбинатига қўқонликлардан миннатдорчилик шошилинчномаси келди. Унда фосфорит комбинати жўнатаётган хомашё ниҳоятда сифатлилиги ва фойдали коэффициенти ўн етти фоизни ташкил этаётганлиги қайд этилган.

Мамлакатимизда фосфорит мустақиллигига эришиш йўлида дастлабки қадам ташланди. Қурилиш фидойилари — «Фосфоритқурилиш» бошлиғи Виталий Растумянс, бойитиш фабрикаси бошлиғи Владимир Запорожец, сувоқчи-бўёқчи Мария Кузнецова, юк машинаси ҳайдовчиси Григорий Улихин, бетончилар Маматмурот Ражабов, Жумамурот Досов, Маҳамбек Майинбеков, грейдерчи Юнус Шамсиев, электр пайвандловчи Андрей Краснович, электромонтёр Олег Петров ва бошқа ўнлаб жонкуярларнинг исм-шарифлари энди тарих солномаларига битилиб қолажак!

Комбинат Навоий шаҳридан 140 чақирим, Зарафшондан 80 чақирим узоқликда, табиатнинг ниҳоятда инжиқ ғўшаси — қиши қаттиқ, ёзи қуруқ ва узлуксиз шамол изғийдиган ярми чўл, ярми саҳрода бунёд этилган. Ишчилар учун эса 5 чақирим узоқликдаги нисбатан табиати мўътадил Қарағата овулида қўрғон қуришга киришилди.

Шунга қарамай, комбинатнинг бойитиш фабрикаси ва маъмурий биноси ҳовлисидаги қарийб 2 гектар ер ўзлаштирилиб, 4 минг дона мевали ва мевасиз дарахтлар экилибди. Инсон яратишга, бунёдкорликка шунчалик ўч!

Шамолда чайқалаётган дарахт шохлари орасида қизара бошлаган икки дона гилосни кўриб, ҳайратдан ёқа ушладик. Нақадар ўхшашлик... Биринчи ҳосилинг муборак, «Қизилқумфосфорит!»

Эсиргап БОЛИЕВ,
Парда ЖУМАЕВ.

ҒАРБ ҒАРБЛИГИЧА, ШАРҚ ШАРҚЛИГИЧА... ҚОЛАВЕРМАЙДИ

Эртага Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланганлигига икки йил тўлади.

Италиянинг қадимий Флоренция шаҳри жуда кўплаб ноёб тарихий воқеаларнинг шоҳиди бўлган. 1996 йил 21 июнь куни бу кўҳна шаҳар бағрида яна бир тарихий ҳодиса содир бўлди — Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари мажлисида Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим тантанали вазиятда имзоланди. Маросимда Президентимиз Ислом Каримов, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқлари кенгашида раислик қилган Италия Бош вазири Романо Проди, Европа ҳамжамиятлари комиссияси Президенти Жак Сантер имзоланган ҳужжатнинг иккала томон учун беқиёс аҳамияти ҳақида нутқ сўзлаган эдилар.

Ушбу битимнинг тарихий аҳамиятини таърифлаб давлатимиз раҳбари Ислом Каримов, жумладан, қуйидаги фикрларни билдирдилар: «Имзоланган битим икки томоннинг фаол шериклик асосини ташкил этишга бўлган интилишидан далолат бўлибгина қолмайди. У Ўзбекистонда демократик жамият муваффақият билан қурилаётганини, ҳуқуқий давлат сингари умумий қадриятларга содиқ эканини ҳам яққол кўрсатиб турибди. Назаримда, бу ҳужжат қачондир айтилган «Ғарб ғарблигича, Шарқ шарқлигича қолаверади, ҳеч қачон уларнинг қони қўшилмайди», деган гапни ҳам чиппакка чиқаради. Зеро, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ўтган йилларда амалга оширилган барча ишлар, Ғарб мамлакатлари билан кундан-кун мустаҳкамланиб бораётган муносабатлар бунинг аксини кўрсатиб турибди».

Албатта, мазкур битим имзолангунга қадар Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида муайян сиёсий жараёнлар кечди. Хусусан, 1996 йилнинг қишида Европа Иттифоқи кенгаши ташқи ишлар вазирлари даражасида Ўзбекистон билан шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш бўйича музокаралар олиб боришга қарор қилинган, март ойида эса Брюсселда музокараларнинг биринчи босқичи муваффақиятли ўтган эди. Осиёни қўя турайлик, ҳатто Европанинг кўпгина давлатлари учун Европа Иттифоқига аъзо бўлиш ҳамон орзу бўлиб қолаётган бир пайтда, мамлакатимиз ушбу нуфузли халқаро ташкилот билан имзолаган ҳужжат нафақат иқтисодий, балки жуда катта сиёсий аҳамиятга эга.

Маълумки, келгуси йилда ўзининг 50 йиллик юбилейини нишонлайдиган ушбу ташкилот Европа ва жаҳон халқлари ҳаётида етакчи сиёсий мавқега эга. Хавфсизликни сақлаш, демократик қадриятларни камол топтириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иқтисодий тараққиёт ва барқарорликни таъминлашни ўз олдига устувор мақсад қилиб қўйган Европа Иттифоқи XX аср сўнггидаги жўшқин воқеаларнинг марказида турибди. «Совуқ уруш» даври тугаб, дунёда вужудга келган тамоман ўзгача воқелик ва шароит, айниқса, Европадаги сиёсий иқлимга кучли таъсир кўрсатди. Бугун Европанинг ғарби билан шарқи ўртасида маълум объектив сабабларга кўра айрим тафовутлар мавжуд. Европа Иттифоқига аъзо бўлишда ҳам ана шу тафовут таъсири сезилиб туради.

Ўтган йилнинг октябрь ойида Франциянинг Страсбург шаҳрида бўлиб ўтган Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг олий даражадаги учрашуви ва мазкур анжуманда илгари сурилган ғоялар, қабул қилинган «Якунловчи декларация» кенг қамрови, истиқболга мўлжалланган теран мазмуни билан дастурий характер касб этди. Айниқса, Европада барқарорликни мустаҳкамлаштилган тинимсиз саъй-ҳаракатларини Европа аҳли муносиб баҳоламоқда. Хусусан, имзоланган битим ҳам Ўзбекистоннинг минтақадаги етакчи мавқеи, иқтисодий салоҳияти ва интеллектуал бойлигининг ўзига хос эътирофидир.

Ҳозирдаёқ имзоланган ҳужжатнинг иқтисодий самараси ва амалий натижалари ҳақида бир қатор мисоллар келтириш мумкин. Масалан, шу йилнинг 1 июнидан Европа ҳамжамияти, Европа Кўмир ва Пўлат ҳамжамияти ҳамда Европа Атом энергияси ҳамжамияти билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги оралиқ битим кучга кирди.

Шу кунларда Ватанимизга Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлардан имзоланган битим ушбу давлатлар парламентлари томонидан тасдиқланаётганлиги ҳақида хушхабарлар келиб турибди. Ҳозиргача Европа Иттифоқига аъзо ўн беш давлатдан ГФР, Буюк Британия, Австрия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Финляндия, Швеция, Италия сингари ўнтаси мазкур битимни ратификация қилди. Биз бугун Ўзбекистон ва Европа Иттифоқидек нуфузли ташкилот ўртасида барқарор ривожланиб бораётган ҳамкорликни фахр билан тилга оламиз. Ҳудудий жиҳатдан Марказий Осиёда жойлашган юртимиз Европадаги чуқур интеграция жараёнларининг фаол иштирокчисига айланиб бориши — мамлакатимиз раҳбарининг бу жараённи Осиё кенгликларида ривож топтириш ҳақидаги эзгу ниятларининг амалий ижобати, дейишимизга имкон беради.

Жалолиддин САФОЕВ.

НАСЬОНАЛ ДЕ ПАРИ БАНКИНИНГ ВАКОЛАТХОНАСИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Франциянинг энг йирик банкларидан бири — Насьонал де Пари банкининг Тошкентда ваколатхонаси очилишига рухсатнома берди. Бу ҳар иккала мамлакат ўртасидаги банк-молия ва иқтисодий алоқалар тобора ривожланиб бораётганига ёрқин мисолдир.

Марказий банк Матбуот хизматининг хабар беришича, Насьонал де Пари банки ваколатхонаси Ўзбекистон — Франция ўртасидаги ташқи савдо масалалари бўйича мижозларга маслаҳатлар беради, ташкилотлар ўртасида амалий алоқалар ўрнатилишига хизмат қилади, банк манфаатларини мамлакатимиздаги банклар, корхоналар ва муассасалар билан таништириб боради.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда чет эл банкларининг 13 та ваколатхонаси ишлаб турибди.

Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида чанқовбости ичимликларни сероб этиш айни савоб иш. Бир неча йилдирки, республикамизда самарали фаолият юргазиб келаётган «Кока-кола» компанияси ана шу юмуш билан сидқидилдан шуғулланиб келмоқда.

Урганчдаги Ўзбекистон—Америка ҳамкорлиги маҳсули — «Кока-кола» ичимлиги барчага бирдай манзур бўлмоқда. Корхонада ишлаб чиқарилаётган экологик тоза маҳсулот ҳам арзон, ҳам сифатлилиги боис ниҳоятда харидоргир.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг илғор ишчиси Алишер Собиров; харидорларга тортиқ этиш учун тайёрланган маъданли сувлар.

А. МУРОТОВ (ЎзА) олган суратлар.



«ХАЛҚ СЎЗИ» ФУҚАРОЛАР ХИЗМАТИДА

ТИНЧИМИЗ БУЗИЛДИ

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 11-мавзеда жойлашган 13 ва 14-уйлар оралиғида нон дўкони қурила бошланганида астойдил қувонгандик, узоғимиз яқин бўладиган бўлибди деб. Кейинчалик тижоратчи укамиз яшнаб турган дарахтларни кесиб ташлади, гулзорларни пайҳон қилиб, ишни катталаштириб юборди. Нон дўкони тугатилиб, у қаҳвахонага айлантирилди. Ана энди томошани кўрсангиз. Бу атрофдан ўтиб бўлмай қолди. Қачон қараманг, бақирик, ҳақорат, жанжал.

Аввалги аҳвол ҳам ҳолва экан. Тижоратчилар қулочни каттароқ оладиган бўлдилар. Кафе ва бар ташкил этишди. Ёқимсиз ғарб музикасининг баланд овозидан асаблар қақшай бошлади. Илтимос қилиб кўрдик, қани энди бойваччалар қулоғига гап кирса. Хуллас, бу аҳвол жонимизга тегди. Сизлардан илтимос: додимизга етинглар.

А. Раҳмонов, В. Ким, А. Шаехов, К. Рубцов (хатга ҳаммаси бўлиб 19 киши имзо чеккан).

ОСОЙИШТАЛИК ТАЪМИНЛАНДИ

Туман ҳокимлигининг ижроия маҳкамаси томонидан юқорида билдирилган эътирозлар — тижорат шохобчаси — ёзги қаҳвахона фаолиятига доир фуқароларнинг арзномаси кўриб чиқилди.

Текширишда «Мирза Шавкат» хусусий фирмасига тегишли мазкур шохобчада савдо қоидаларига амал қилинмаётганлиги ҳоллари аниқланди. Шу йилнинг 18 майидан эътиборан унинг фаолияти тўхтатилди. Фирма раҳбари А. Қосимов зиммасига тегишли рухсатномасиз шлакоблокдан қурилиши бошланган ёзги бинони 1 июлгача бузиб ташлаш вазифаси юклатилди.

Ушбу масалалар туман ҳокимлиги ва савдо департаментининг назоратида турибди. Июль ойи бошларида мазкур масалага оид қўшимча ахборот берилади.

П. ТЎЛАГАНОВ, Тошкент шаҳридаги Акмал Икромов туман ҳокимининг биринчи ўринбосари.

ҚОНУН ВА БИЗ

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Виждон эркинлиги ва у билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида Олий Мажлиснинг XI сессиясида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Хўш, мазкур қонунни нега биз янги таҳрирдаги қонун деб атаймиз? Уни янгидан қабул қилиш зарурати нимадан келиб чиқди?

Ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, 1991 йил 14 июнда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган эди. Ҳаётий заруратнинг ўзи қонунни янгидан қабул қилишни талаб қилди, чунки Ўзбекистонда 5-6 йил ичида амалга оширилган бунёдкорликлар, юз берган ўзгаришлар бир неча ўн йилликларда бажарилган ишлар билан баробардир.

Янги таҳрирдаги қонун илгаригисига нисбатан анча мукаммал ва ихчам бўлиб, 23 моддадан иборат.

Ушбу қонуннинг мақсади 1-моддада таъкидланганидек, ҳар бир шахснинг виждон эркинлигини ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъий назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат.

Ўзбекистон фуқаролари динга муносабатидан қатъий назар, қонун олдида тенгдир. Расмий ҳужжатларда фуқаронинг динга муносабати кўрсатилишига йўл қўйилмайди. Фуқароларнинг динга муносабатига қараб, уларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш ва уларга беғоғсита ёки билвосита имтиёзлар белгилаш, душманлик ва адоват уйғотиш, уларнинг диннийлик эътиқоди билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлаш, диний эиёратгоҳларни оёқ ости қилиш қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ҳеч ким диний эътиқодини рўкач қилиб, қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас. Қонунга мувофиқ, бажарилиши мажбурий бўлган бир вазифани диний эътиқоди туфайли бошқаси билан алмаштиришга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларгагина йўл қўйилади.

Ўзбекистонда динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти,саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин.

Маълумки, инсон ҳали болалик даврида, яъни шахс сифатида тўла шаклланмаган, ўзининг дунёқараши, ақл-идроки, эътиқоди тўлиқ ривожланмаган ва тўғри тус олмаган пайтда атроф-муҳит таъсирига тез берилувчан бўлади. Шу боис ҳам янги таҳрирдаги қонуннинг 3-моддасида воғга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек, уларнинг ўзлари, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмаслиги ҳам белгиланди.

Қонуннинг 5-6-моддаларида давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар белгиланган бўлиб, унга кўра мамлакатимизда дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларга нисбатан бирон бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди. Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади. Диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган ҳаттиҳаракатларга йўл қўймайди. Демак, давлат турли диний оқимлар ўртасидаги тинчлик-тотувликни таъминловчи ва қўллаб-қувватловчи орган вазифасини ўтайди.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди, диний ташкилотларнинг фаолиятини ҳамда собиқ иттифоқ даврида бўлгани каби диннийлик тарғиботига оид фаолиятни маблағ билан таъминламайди.

Дин давлатдан ажратилганлиги сабабли Ўзбекистонда диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

Қонунда белгилаб қўйилганидек, диндан давлат ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўҳтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлат, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти маъно этилади.

Бу норманинг мавжудлиги бежиз эмас, албатта. Одатда дин ўз мақсад ва моҳияти жиҳатидан инсониятга, тинчлик осойишталикка қарши қаратилмайди, ваҳшийликни, адоватни тарғиб қилмайди, аммо диндан ўзининг ғаразли ниятларини амалга ошириш, бойликка, ҳокимиятга эга бўлиш мақсадида, одамларни чалғитиб, улар ўртасида қарама-қаршилик ва нафрат уйғотувчи, маъновий тубан кимсалар, ақидапарастлар диндаги қоидаларни бузиб, қасддан нотўғри талқин қилиб, уни ўз олдига қўйган вазифасидан батамом йироқлаштирадилар. Бунга Наманган вилоятида фаолият кўрсатиб, бегуноҳ инсонларнинг ҳаётига зомин бўлиб, қонун олдида жавобгар ва халқнинг нафратига дучор бўлган ваҳҳобийчилар яққол мисол бўлади.

Хўш, ваҳҳобийчилик нима, унинг илдизлари қаерга бориб тақалади, деган ҳақли ва табиий савол туғилади.

Ваҳҳобийчилик исломдаги ақидапарастлик, яъни фанатизм (янада соддароқ қилиб айтганда, ақидапарастлик бирор бир ғояга, бирор бир нарсага кўр-кўрона ёпишиб олиб, ундан бошқасини тан олмаслик) оқимларидан бири бўлиб, у XVIII асрда яшаган Муҳаммад ибн Абдул Ваҳҳоб номи билан боғлиқ бўлса-да, аммо унинг илдизлари еттинчи-саккизинчи асрларга бориб тақалади. Ваҳҳобийчиларнинг мақсади исломни тозалаш бўлиб, гўёки уларнинг фикрича, қабрларга, авлиё ва бошқа эиёратгоҳларга бориш Оллоҳга шак келтириш, деб талқин этилган, ҳатто дунёда комил инсон йўқ, деб ҳисобланиб, бу борада яратилган адабиётлар тақиқ қилинган.

Ҳозирги вақтда «домланам», «имомман» деб юрган кўпгина сохта муллалар ҳам ваҳҳобийлик нима, унинг ғояси, мақсади нимадан иборат эканлигини билмайдилар. Наманганда бундай ҳаракат вужудга келганлиги сабабини айнан шундай илмсизликдан қидириш керак. Етмиш йилдан ортиқ ҳукм сурган даҳрий тузум, виждон эркинлигининг таъқиб қилиниши исломий илмга путур етказди. Ўзлигини унутган, ғараз ниятли кимсалар эса бундан усталик билан фойдаландилар.

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XI сессиясида ушбу кимсаларнинг номи, қонунхўрлик режалари, кимлардан ёрдам олганликлари хусусида батафсил сўзлаганлари барчамизга маълум. Бизлар, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси бундан тегишли хулоса чиқаришимиз, ақл-идрок билан иш тутишимиз зарур.

7-моддага асосан давлатимизда таълим тизими диндан ажратилган. Таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритишга йўл қўйилмайди.

Фуқаролар олий ва ўрта диний ўқув юртларида таълим олиш учун Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ умумий мажбурий ўрта таълим олганидан кейин қабул қилинади.

Хусусий тартибда диний таълим бериш маъно этилади.

Маълумки, ҳозирги вақтда айрим аёллар бутунлай ўралиб олиб, ўзларининг динга эътиқодлари «мустаҳкам» эканлигини намойиш этмоқдалар. Лекин уларнинг аксариятининг юриш-туриши, атрофдагилар билан муомаласига эътибор берилса, кўрс ва кўпол муносабатидан дилингиз ранжийди. Инсоннинг эътиқоди унинг кийган кийими билан эмас, балки Оллоҳга бўлган ишончи, иймони, хушфеъли билан белгиланади. Шу боис Қонуннинг 14-моддасида фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилиши маъно этилди. Бундан фақат диний ташкилотларнинг хизматидагилар мустаснодир.

Истиқлол туфайли Ўзбекистон мусулмонлари учун халқаро алоқаларга киришиш имконияти яратилди. Жумладан, бир неча йилларидан бери фуқаролар Макка шаҳрига бориб, ҳаж ва умра ибодатларини адо этмоқдалар. Ушбу турдаги халқаро алоқалар ўрнатиш қонуннинг 22-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Қонуннинг 23-моддасида виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар, диний ташкилотларнинг хизматчилари, фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўрсатилган тартибда жавобгар бўлишлари белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун фуқароларнинг виждон эркинлигидан иборат конституциявий ҳуқуқини кафолатлаб, шунингдек халқимиз осойишталиги, Ватанимиз хавфсизлигини таъминлашга қўмак беради.

Қобил ҲАМРОЕВ,
Бухоро вилояти адлия бошқармасининг бошлиғи, юридик фанлари номзоди.

«ҚЎНҒИРОТ» БИРИНЧИ БЎЛДИ

Музрабод Сурхондарё вилоятининг энг кўп ғалла тайёрлайдиган туманларидан бири ҳисобланади. Агар уни воҳа бўйлаб тарқаладиган сувнинг энг сўнгги «қулоғи»да жойлашгани эътиборга олинса, музрабодликлар учун деҳқончилик осон иш эмаслиги аён бўлади.

Кеча тумандаги «Қўнғирот» деҳқон-фермер уюшмаси давлатга ғалла сотиш режасини нафақат туманда, балки вилоятда ҳам биринчилар қаторида уддалади. Улар бу йил 1485 гектар ерга маҳаллий «Скифянка» уругини қадашган эди. У ўзини оқлаётган кўринади: хўжалик уйган хирмон айни пайтда 3568 тоннага етди. Бу эса гектаридан 38 центнерни ташкил этмоқда.

– Бу йил жами 5940 тонна ғалла тайёрлаймиз, – дейди хўжалик раҳбари Янгибой Юсупов. – Хўжаликдаги ерларни деҳқон-фермер хўжаликларига тақсимлаб берганмиз. Натижа чакки бўлмаяпти. Одил Эрдонов бошлиқ фермер хўжалиги ҳозирги кунгача гектаридан 59,2 центнердан ҳосил олди. Бозор Худойбердиев, Холиқ Ҳайитов, Холмўмин Хўшбоқов, Ҳасан Ҳайитов тўплаган ҳосил ҳам гектарига 50 центнердан кам бўлаётгани йўқ.

Хўжалик далаларида ўрилмаган майдонлар ҳали анчагина эканлиги инобатга олинса, бу сўнгги натижа эмаслиги равшан бўлади.

Ўз мухбиримиз.





ХИРМОН ТЎЛИБ ТЎКИЛДИ ДОН...

Чиноз туманидаги С. Раҳимов номли ширкатлар уюшмаси деҳқонлари ғалла ўрининг илк кунлариданоқ ишни уюшқоқлик билан ташкил этишди. Комбайнларнинг бетўхтов ишлаши таъминланди. Мавжуд 526 гектар ердан 1350 тонна сара дон олишни ният қилган ғаллакорларнинг аҳди етиштирилган ҳосилни қисқа фурсатларда йиғиштириб олиш.

Суратларда: комбайнчилар Муҳаммадсодиқ Абдувалиев, Ти Леонид ва Мухтор Утешов; «Кейс» комбайнлари ғаллазорда.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

ТОШКЕНТ АГРО-ТИЖОРАТ КОЛЛЕЖИ 1998-1999 ЎҚУВ ЙИЛИДА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАРГА:

1. Солиқ ва солиқ солиш (кундузги ва сиртқи).
2. Муҳосиблик ҳисоби,назорат ва хўжалик фаолияти таҳлили (кундузги ва сиртқи).
3. Менежмент (кундузги ва сиртқи).
4. Ўсимликлар муҳофазаси (кундузги).
5. Ер тузиш ва ер кадастри (кундузги).
6. Фермер (деҳқон) хўжалигини ташкил этиш (кундузги).
7. Тижорат фаолияти (кундузги ва сиртқи).

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Коллежнинг кундузги бўлимларига тўлиқсиз ва тўлиқ ўрта маълумотли, кириш имтиҳонларини ҳамда тест синовларини муваффақиятли топширганлар қабул қилинади. Ўқишга шартнома асосида ҳам қабул қилинади.

АБИТУРИЕНТ КИРИШДА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТОПШИРАДИ:

1. Директор номига ариза.
2. Маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси).
3. Тиббиёт маълумотномаси (086/У намуна).
4. 6 дона фотосурат (3х4 см. катталикда).
5. Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Кундузги ва сиртқи бўлимларга аризалар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.

9-синфни битирганлар ўзбек тили ва математика фанларидан кириш имтиҳонларини топширадилар

11-синфни битирганлар ўзбек тили ва адабиёти ҳамда математикадан тест саволлари асосида кириш имтиҳонларини топширадилар..

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ !

КОЛЛЕЖ МАНЗИЛГОҲИ:

700106, ТОШКЕНТ ш., А.Икромов тумани, Ўрикзор даҳаси.
1. "Пахтакор " метро станциясидан Тошкент агро-тижорат коллежигача – 53 автобус.
2. "Тўқимачилик"комбинати бекатидан Тошкент агро-тижорат коллежи бекатигача –182 автобус.
3. "Чилонзор" метро станциясидан Тошкент агро-тижорат коллежи бекатигача –125 автобус.

732

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУР

ДУШАНБА 22 ИЮНЬ

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.40 «Тахлилнома».
*
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув. 9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Саньат институти ҳаётидан лавхалар». 9.30 Ўсмирлар учун. «Ок йўл». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар. 10.05 «Диёр». Тележурнал. 11.05 «Жаҳон спорти». 11.15 «Эртаклар — яхшиликка етаклар». 12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти. 12.30 Кундузги сеанс. «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари». Бадиий фильм. 14.10 — 14.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Бухоро» (Бухоро) — «Пахтакор» (Тошкент).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Истиқлол ғунчалари». Премьера. 18.20 «Солиқ ва назорат». 18.40 «Суйганларим бор». Мусиқий дастур. 19.05 «Олам ва одам». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот»(рус тилида). 19.55 Биржа ва банк хабарлари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иқтисод алифбоси». 21.30 М.Бобоев. «Кўнгил қўчалари». Видеофильм. 15-кўй. 22.15 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 23.50 «Ахборот». 00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи»(рус тилида). 18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам. 18.35 «Жаҳон урушларининг махфий архивларидан». Телесериал. 19.00 «Ҳимоя». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот»(рус тилида). 19.55 «Туризм ҳақида». 20.20 «Мусиқий лаҳзалар». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Олтин мерос». 21.10 «Вьетнамга мактублар». Телесериал. 21.55 15 дақиқа спорт ҳақида. 22.10 «Дэнс». Жаҳон рақслари. 22.25 «Даракчи»(рус тилида). 22.35 «Мурда». Бадиий фильм. 1-қисм. 23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
*
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Танаффус пайтида — «Франция-98» кундалиги.
02.00 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
17.20—20.40
*
20.40 «Сиз уларни танийсиз».
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Ўткир тишлилар». Бадиий фильм.
22.55—23.15 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 «Мультфомоша». 18.55 «Сен ҳақингда ва сен учун». 19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 20.35 «Солиқ ҳақида сабоқлар». 20.50 Мусиқий дақиқалар. 20.55, 22.10 — Эълонлар. 21.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 21.45 «Мохир». 22.00 Телефакт. 22.15 «Кувноқ кино». 23.35—23.45 «Хайрли тун!».

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!». 8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.30 — Янгиликлар. 8.15, 17.20 — «Машъум мерос». Сериал. 9.00 В. Позненнинг «Биз дастури. 9.50 «Хонаки кутубхона». 10.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. Англия — Руминия терма жамоалари. Франциядан олиб кўрсатилади. 11.15 «Биргалашиб» дастури. 12.00 «Тўрт танкчи ва тасодиф». 15.40 «Олтин атиргул ғори». Сериал. 16.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 16.30 «Оламга саёҳат». 18.05 «Тиғиз пайт». 18.30 «Куйини топинг». Телеўйин. 19.00 «Мавзу». 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 20.00 «Время». 20.40 Георгий Жженов «Кўркувга қарши дармон-дори» детектив фильмида. 22.35 Футбол. Жаҳон чемпионати. Чили — Камерун терма жамоалари. Франциядан олиб кўрсатилади. 23.50 Футбол. Жаҳон чемпионати. Шотландия — Марокаш терма жамоалари. Франциядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (00.50) — Мультфильм.

Қоз ТВ

5.30 «Кечаси ётиб ўйла, эрталаб туриб сўйла».
* * *
15.50 «Хит-парад». 16.00 «Товушлар музейи». 16.50 «Омонат». 16.55 «Ютуқ» салони. 17.00 «Сокин сувлар». Телесериал. 18.00 «Бола тилидан». 18.35 «Юртдошлар». 19.00 «Даллас» Телесериал. 20.00 «Оқшом». Ахборот кўрсатуви. 20.40 Спорт янгиликлари. 21.05 «Севги бекати». Бадиий фильм. 22.20 «Ютуқ» салони.

ЧОРШАНБА 24 ИЮНЬ

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 — 8.25 «Ахборот». 8.25 «Оиламиз оҳанглари». Мусиқий дастур. 8.50 «Бокира туйғулар». 9.05 «Меҳр макони». 9.20 Болалар учун. «Кувноқлар даврасида». 9.40 «Мен туғилган тупроқ». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар. 10.05 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув. 10.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Биология. 11.00 «Бола дунёни тебратар». 11.20 «Ёрдамчилар». Мультфильм. 11.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Ўзбекистон тарихи.
*
12.05 «Ракс, ракс, ракс...».
12.20 «Акс-садо».
12.50 Кундузги сеанс. «Фил йўлқоли». Бадиий фильм.
14.10—14.30 «Зийнат».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун. «Ғулғулачалар». 18.30 «Ўтмишдан садолар». 18.50 Эстрада тароналари. 19.10 «Мулк ва муносабат». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот»(рус тилида). 19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда». 20.10 «Оқшом эртаклари». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». «Ёшлар» телеканали 21.20 т. «Учинчи эҳтимол». 2. «Қалдирғоч». Мусиқий дастур. 22.15 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 23.50 «Ахборот». 00.15 М.Бобоев. «Кўнгил қўчалари». Видеофильм. 16-кўй. 00.55—01.00 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Жаҳон халқлари эртаклари». 18.35 «ХХ аср жиноятлари». Телесериал. 19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...» 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот»(рус тилида). 19.55 «Жонадон». 20.15 «Жаҳон жанговар саньати». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Вьетнамга мактублар». Телесериал. 21.45 «Нигоҳ». 22.05 «Даракчи». 22.15 Экранда-детектив. «Инспектор Морс». 23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
* * *
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Танаффус пайтида «Франция-98» кундалиги.
02.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.30 Янгиликлар.
16.35 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
17.15—20.40
*
20.40 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Шохсупа сари йўл». Спорт дастури.
21.50 «Даврнинг узилмас ришталари». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси
22.00—22.35
*
22.35 «КИМ». Бадиий фильм. 2-серия.
23.50 «Ёшлар хиром айлганда». Фильм-концерт.
00.20—00.40 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультфомоша». 19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 20.35 «Спорт-лотто». 20.45 «Азизим». 21.05, 22.55 — Эълонлар. 21.10 «Морена Клара». Телесериал. 21.55 «Таъзим». 22.15 «Мезон». 22.35 «Дуддаршан». 23.00 «Яши қайфият». 23.45—23.55 «Хайрли тун!».

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!». 8.00, 11.00, 14.00, 17.00 — Янгиликлар. 8.15, 17.15 — «Машъум мерос». Сериал. 9.00 «Мавзу». 10.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. Чили — Камерун терма жамоалари. Франциядан олиб кўрсатилади. 11.15 «Биргалашиб» дастури. 12.00 «Тўрт танкчи ва бир ит». 13 ва 14-сериялар. 14.20 Мультсериал. 14.45 «Қойилмақом даврда». 15.15 «Чангалзорлар даъвати». 15.40 «Олтин атиргул ғори». Сериал. 16.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 16.30 «Оламга саёҳат». 18.05 «Тиғиз пайт». 18.30 «Инсон ва қонун». 19.00 Марина Ладиннинг «Қўмушранг шар» дастурида. Кўрсатувни В. Вульф олиб боради. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 «Время». 20.40 Марина Ладиннина «Садоқат синови» фильмида. 22.50 Футбол. Жаҳон чемпионати. Франция — Дания терма жамоалари. Франциядан кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.50) — Янгиликлар.

Қоз ТВ

5.30 «Кечаси ётиб ўйла, эрталаб туриб сўйла».
* * *
15.50 «Хит-парад». 16.00 «Алатау» телеканали намойиш этади... 16.30 «Козоғистон-2030». 16.50 «Омонат». 16.55 «Ютуқ» салони. 17.00 «Сокин сувлар». Телесериал. 18.00 «Бола тилидан». 18.30 «Йулдаги қайдлар». 18.50 «Бланкасиз дорилмолар». 19.00 «Даллас». Телесериал. 20.00 «Оқшом». Ахборот кўрсатуви. 20.40 Спорт янгиликлари. 20.50 «Олдинда — сайловлар». 21.05 «Савраска». Бадиий фильм. 22.15 «Ютуқ» салони.

ПАЙШАНБА 25 ИЮНЬ

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 — 8.25 «Ахборот». 8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Дилрабо тароналар». 9.05 «Ғеракл Агмеднинг меҳмони». Мультфильм. 9.25 «Камолот». 9.40 «Ёшлик» студияси. «Сени Ватан кутади». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар. 10.05 «Жараён». Тележурнал. 10.35 Абитуриентлар, Сизлар учун! Она тили. 11.00 Янги алифбони ўрганамиз. 11.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Физика.
*
12.05 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув.
12.35 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
12.55 Кундузги сеанс. «Егорка». Бадиий фильм. 14.10—14.55 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун. «Орзу». 18.30 «Шеър ва шуур». 18.40 «Ҳарита». Халқаро шарҳ. 18.55 Мусиқий танаффус. 19.05 «Исловот одимлари». 19.25, 20.25, 20.55 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот»(рус тилида). 19.50 «Юзма-юз». 20.10 «Оқшом эртаклари». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Барҳаёт сиймолар». Ганижон Тошматов. 21.30 «Сомон йўли». 22.00 «Битик». 22.15 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 23.50 «Ахборот». 00.15 «Вазият». 00.30 «Сомон йўли» (давоми). 01.00—01.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи»(рус тилида). 18.15 «Эркатой». Болалар учун дастур. 18.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал. 18.55 «Катта танаффус». Телеўйин. 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 —Эълонлар. 19.30 «Ахборот»(рус тилида). 19.55 «Бир жуфт кўшик». 20.05 «Табобат оламида». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Одамлар орасида». 21.20 «Мутойиба». 21.40 «Сир». 22.00 «Даракчи»(рус тилида). 22.10 Оилавий экран. «Тоҳир ва Зуҳра». 23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
*
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Танаффус пайтида — «Франция-98» кундалиги.
02.00 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
17.20—20.40
*
20.40 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Мусиқа бўстони». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
*
Россия давлат телевидениеси
22.00—22.35
*
22.35 «Қақшаткич зарба». Бадиий фильм.
00.05—00.25 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультфомоша». 19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 20.35 «Спорт-лотто». 20.45 «Азизим». 21.05, 22.55 — Эълонлар. 21.10 «Морена Клара». Телесериал. 21.55 «Таъзим». 22.15 «Мезон». 22.35 «Дуддаршан». 23.00 «Яши қайфият». 23.45—23.55 «Хайрли тун!».

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!». 8.00, 11.00, 14.00, 17.00 — Янгиликлар. 8.15, 17.30 — Алла Демидова «Стюардесса» фильмида. 8.55 «Инсон ва қонун». 9.30 Мультфильм. 9.50 «Хонаки кутубхона». 10.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. ЖАР — Саудия Арабистони терма жамоалари. 2-тайм. Франциядан кўрсатилади. 11.15 «Биргалашиб» дастури. 12.00 «Тўрт танкчи ва бир ит». 15 ва 16-сериялар. 14.20 Мультсериал. 14.45 «Қойилмақом даврда». 15.15 «Чангалзорлар даъвати». 15.40 «Олтин атиргул ғори». Сериал. 16.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 16.35 «Оламга саёҳат». 18.15 «Тиғиз пайт». 18.35 «Париж таймлари». Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги. 19.05 «Эслашлари учун...» Юрий Каморний. Кўрсатувни Л. Филатов олиб боради. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 «Время». 20.40 Жан Поль Бельмондо ва Фанни Ардан «Дезире севгиси» комедиясида. 22.35 Футбол. Жаҳон чемпионати. Голландия — Мексика терма жамоалари. Франциядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.40) — Янгиликлар. 01.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. АҚШ — Югославия терма жамоалари. 2-тайм. Франциядан олиб кўрсатилади.

Қоз ТВ

5.30 «Кечаси ётиб ўйла, эрталаб туриб сўйла».
* * *
15.50 «Хит-парад». 16.00 «Алатау» телеканали намойиш этади... 16.30 «Козоғистон-2030». 16.50 «Омонат». 16.55 «Ютуқ» салони. 17.00 «Сокин сувлар». Телесериал. 18.00 «Бола тилидан». 18.30 «Йулдаги қайдлар». 18.50 «Ҳонадаги дорилмолар». 19.00 «Даллас». Телесериал. 20.00 «Оқшом». Ахборот кўрсатуви. 20.40 Спорт янгиликлари. 20.50 «Олдинда — сайловлар». 21.05 «Савраска». Бадиий фильм. 22.15 «Ютуқ» салони.

ЖУМА 26 ИЮНЬ

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Лирик тароналар. 8.50 «Юзма-юз». 9.10 Болалар учун. «Фарзанд — умид қолдузи». 9.30 «Нонни боғсан қизғ ҳақида». Мультфильм. 9.40 «Маърифат масканм». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар. 10.05 «Талаб ва тақлиф». 10.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Кимё. 11.00 Немис тили.
*
11.30 «Эртанги кунга ишонч».
12.05 «Осон эмас бу майдон ичра». Адабий кўрсатув.
12.25 Кундузги сеанс. «Тасодифий қотил». Бадиий фильм.
13.45 Сиртқи телевизион олимпиада.
14.10 — 14.55 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
*
«Гиёҳвандлик — аср вабоси»
Телекўрсатувлар дастури соат 17.00 дан намойиш этилади.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Бугуннинг боласи». 18.45 «Хайр, мактаб!». 19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-қадамлаб». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Ақс». 20.15 «Яши дам олинг». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Хуш келибсиз!» 21.20 «Вьетнамга мактублар». Телесериал. 22.05 «Даракчи». 22.15 «Мусиқий лаҳзалар». 22.30 Бокс. Бокс. Бокс.

Янгиликлар.

Қоз ТВ

5.30 «Кечаси ётиб ўйла, эрталаб туриб сўйла».
* * *
15.50 «Хит-парад». 16.00 «Козоғистон-2030». 16.30 «Замин». Экологик альманах. 16.50 «Омонат». 16.55 «Ютуқ» салони. 17.00 «Сокин сувлар». Телесериал. 18.00 «Бола тилидан». 18.35 «Юртдошлар». 19.00 «Даллас» Телесериал. 20.00 «Оқшом». Ахборот кўрсатуви. 20.40 Спорт янгиликлари. 21.05 «Севги бекати». Бадиий фильм. 22.20 «Ютуқ» салони.

ШАНБА 27 ИЮНЬ

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах. 9.00 «Шохрух» клуби. 9.20 «Яшил чироқ». Телемусобаса. 10.00 «Эиёрат». 10.10 «Ёшлар» теленаналари. «Сиз ва биз». 2. «Шу Ватанга бордир менинг керагим». 3. «Куйла, ёшлигим».
* * *
11.20 «Телевидение ва томошабин».
12.20 «Келин-куёв». Телешоу.
13.20 «Тўржий кавмлар».
13.35 «Саньатим — саодатим». Кинокўрсатув.
14.05 — 14.35 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Ҳа, ҳа, ҳа...» Ҳазил, ҳажвия, ҳангома. 18.20 «Қайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув. 18.40 «Бахтли воқеа». 19.25, 20.25, 20.55 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот»(рус тилида). 19.50 Оқшом эртаклари. 20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида). 20.15 «Жаҳон спорти». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Тўртинчи ҳокимият». 21.20 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланади. 22.15 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/8 финал. 23.50 «Ахборот». «Тунги ёғду» дам олиш дастури 00.15 ЎзТВ экранида биринчи марта ўзбек тилида. «Чоликуши». Етти қисмли бадиий фильм. 5-қисм. 01.05—01.10 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «У ким? Бу нима?». 8.15 Эркин Хушвақтов. «Машраб». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм. 9.10 «Спорт китъаси». 9.40 «Лавҳа». Телесериал. 10.30 «Дилбарим». 10.45 Болалар экрани. 11.35 «Бенефис». Мадина Тўхтаева. 12.05 «Франция-98». 12.55 «Сансет Биччнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал. 13.45 «Мусиқий мехмонхона». Валерий Меладзе Тошкентда. 14.25 «Мутойиба». 14.45 Бокс, Бокс, Бокс. 15.05 «Санта-Барбара». Телесериал. 15.55 «Ҳонадонимизга осойишталик тилаймиз». 16.25 «Гулдаста». Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган «Гулдаста» мусиқий дастур. 16.45 «Санта-Барбара». Телесериал. 17.30 «Ярми чин, ярми ҳазил». 17.50 «Ёрилтош». Мульттўплам.
*
18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Боланинг тили». 18.30 Спорт китъаси. 19.00 «Тавия». 19.15 «Қонун ҳимоясида». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот»(рус тилида). 19.55 «Бизнес академия». 20.15 Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган «Гулдаста» мусиқий дастури. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Даллас». Телесериал. 21.45 «Кўнгил кўнгилга пайванд». 22.15 «Даракчи». 22.25 «Кинонигоҳ». 23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
*
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Танаффус пайтида «Франция-98» кундалиги.
02.00 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
17.20—20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40—22.30 «ВИП». Бадиий фильм.
*

ЎзТВ-IV

10.05 «Шанба эртаги».
11.15 «Бу ажиб дунё».
11.35—12.05 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз!
(Америкага бир назар кўрсатувига илова: инглиз тили ҳамма учун).
12.05 «Ассалом, Франция!».
12.30 «Осиё монитори».
*
17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультфомоша». 19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 20.35 Авторейд. 20.45 «Далил ва шарх». 21.00 «Рақслар қанотида». 21.20, 22.25 — Эълонлар. 21.25 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 22.10 «Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон намойиш этади». 22.30 Киносалон. 23.50—24.00 «Хайрли тун!».

РЖТ

7.00 «Телефон орқали совға». 8.45 «Руҳоний сўзи». 9.00, 14.00, 17.00 — Янгиликлар. 9.10 «Хонаки кутубхона». 9.30 «Тонгги почта». 10.05 «Каламбур». 10.40 «Смак». 11.00 «Бир нодир асар тарихи». 11.25 Долорес Кондрашова «Хотин-қизлар билан содир бўлган воқеалар» дастурида. 11.55 Мультфильм. 12.20 «Мактаб вальси» фильми. 14.20 «Цивилизация» дастури. 14.50 София Ротару куйлайди. 15.35 «Ҳайвонот оламида». 16.15 «Бу қандай содир бўлган эди?». «КВН бошланганда. 1957 йил». 17.20 «Жентльмен-шоу». 17.45 «Аралаш-қуралаш» журнали. 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 20.00 «Время». 20.35 «Нима? Қаерда? Қачон?». 00.40 «Шу ерлик қаҳрамон» фильми.

Қоз ТВ

8.00 «Алла».
8.20 «Сиҳат-саломатлик».
8.40 Мультсериал.
9.05 «Ерким-ай».
9.30 «Экспресс-FOOD».
* * *
15.55 «Ютуқ» салони. 16.10 «Темир қозиқ». 16.35 «Сифат». 17.00 «Эзгулиққа бошлайдиган йўл». 17.30 Айнакуловалар ижро этадилар. 18.00 «Спорт+» телеканали намойиш этади. 19.00 «Камтарлик ҳусни». 19.30 Телевикторина. 19.50 «Ўйга вазифа». 20.00 «Оқшом». 20.40 «Инвестициялар — саломатлик учун». 21.00 «Султон Бейбарс». Фильм.

ЯКШАНБА 28 ИЮНЬ

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «ЕШЛАР» теленаналари
1. «Ватанимга хизмат қиламан».
2. «Очиқ дарс».
3. «Маҳорат».
4. «Ўхшаш чеҳралар».
* * *
12.10 «Саньат олами».
12.30 «Ҳаёт рисоласи».
13.00 «Савоб».
13.30 «Чолиқуши». Бадиий фильм. 3—4-қисмлар.
15.10—15.40 «Болалигим — пошшолигим».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. «Фламинго». 18.20 «Аруз гулшани». 18.30 «Омад олдуви». Телевизион ўйин. 19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув. 19.25, 20.00, 21.10 — Эълонлар. 19.30 «Тахлилнома»(рус тилида). 20.05 «Ўзингга шукур». Абдулҳай Каримов куйлайди. 20.30 «Тахлилнома». 21.15 Телевизион миниатюралар театри. 21.50 «Якшанба оқшомида». Мусиқий-дам олиш дастури. 22.15 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/8 финал. «Аср мўъжизаси» кинодастури. 23.50 Ўзбек киноси ижодкорлари. 00.10 ЎзТВ экранида биринчи марта ўзбек тилида. «Чоликуши». Етти қисмли бадиий фильм. 6-қисм. 01.00 ТВ-I намойиш этади. Телеанонс. 01.10—01.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Бугуннинг боласи». 8.30 Эркин Хушвақтов. «Машраб». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 2-қисм. 9.20 «Бизнес академия». 9.40 Саргузашт фильмлар экрани. «Ғеракл саргузаштлари». 10.20 «Дойче Велле» тақдим этади...» 10.40 «Лавҳа». Телесериал. 11.30 Эстрада тароналари. 11.50 Болалар экрани. 13.20 «Франция-98». 14.10 «Сансет Биччнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал. «ЯКШАНБАДА ЯХШИ ДАМ» ДАСТУРИ 14.55 Кўрсатувлар дастури. 15.00 Жаҳон халқлари эстрадаси. 15.20 «Санта-Барбара». Телесериал. 16.05 «Нафосат». 16.15 «Жосуслар». Ҳужжатли фильм. 16.45 «Мультипанорама». 17.15 «Санта-Барбара». Телесериал.
*
18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Сувости дунёсига саёҳат». 18.35 «Эътибор». 18.55 «Бари ҳаёл». 19.05 Келгуси ҳафтада. 19.25, 20.00 — Эълонлар. 19.30 «Тахлилнома»(рус тилида). 20.05 «Жараён». 20.15 Оҳанглар ва эълонлар. 20.30 «Тахлилнома». 21.10 «Даллас». Телесериал. 22.00 «Изҳор». 22.20 «Даракчи». 22.30 Якшанба кинозали.
*
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Танаффус пайтида — «Франция-98» кундалиги.
02.00 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.30 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
17.35—23.50
*
23.50 Эълонлар.
23.55—00.25 «Тахлилнома» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

9.00 «Хайрли тонг!» 9.30 «Парле ву франсэ?» 9.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами». 11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида). 11.45 Клип. 11.55 — Эълонлар. 12.00 Киносалон. 13.30 Мусиқий олами. 13.50 Клип—антракт. 14.00 «Жонли сайёра». 14.20 «Жаҳон киноси янгиликлари». 14.50 Кундузги сеанс. 16.40 Клип антракт. 16.50 — 17.10 «Сенинг вақтинг».
*
17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 «Мультфомоша». 19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 20.35 «Хайрли оқшом!». 21.05, 23.00 — Эълонлар. 21.10 «Кобра». Телесериал. 21.50 «Бугунги кун мавзуси». 22.00 «Бурҳлар бўшоратн». 23.05 Киносалон. 00.35—00.50 «Хайрли тун!».

РЖТ

6.40 «Етуклик аттестати» фильми. 8.15 «Лотто-Миллион». 8.30, 15.05, 15.30 — «Дисней-клуб». 9.00, 14.00 — Янгиликлар. 9.10 «Йулда ёзилмаган қайдлари». 9.30 «Ҳамма уйдалигида». 10.10 «Тонг қолдузи». 11.00 «Армия дўкони». 11.30 «Янгра, гармонь!». 12.00 «Деҳкон ахборотномалари». 12.30 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». 13.25 «Куйи панорамаси». 14.20 «Саёҳатчилар клуби». 16.00 «Тарих гилдираги». 16.50 1998 йил қўшиқ

Жаҳон чемпионатида

ОШКОР БЎЛАЁТГАН СИРЛАР

Франция шиддат билан давом этаётган XX асрнинг сўнгги жаҳон чемпионатида 1/8 финалнинг йўлланмасини қўлга киритиш учун баҳслар авжига чиқди. 18 июнь куни чемпионатнинг «С» гуруҳида яна иккита қизиқарли учрашув бўлиб ўтди. Дастлаб, Европада ўзига хос номга эга бўлган Дания терма командаси Жанубий Африка Республикаси футболчилари билан куч синашди. Учрашув 1:1 ҳисоби билан тугади. Ушбу учрашувда командалар бир-биридан эмас, кўпроқ майдондаги бош ҳакамдан жабр кўрдилар. Негаки у ўйин давомида бир йўла 7 футболчига огоҳлантириш берди. Буниси ҳали ҳолва деганларидек, яна уч футболчи рақибларига нисбатан қалтис ҳаракат қилганлиги учун майдондан ҳайдаб чиқарилди. Бунга ҳеч ким эътироз билдирмади.

Шу кун ҳисобидан ўтказилган иккинчи учрашувда эса чемпионат эгаси — Франция Саудия Арабистони вакилларини қабул қилди. Унда арабларнинг дарвозасига французлар жавобсиз тўртта тўп киритдилар ва ушбу йирик ғалабаси туфайли 1/8 финал йўлланмасига асосий даъвогар бўлиб олди.

Ушбу иккита баҳс ўтгандан сўнг гуруҳдаги вазият бироз жиддийлашди:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Франция	2	2	0	0	7-0	6
2. Дания	2	1	1	0	2-1	4
3. Ж.А.Р.	2	0	1	1	1-4	1
4. С.Арабистони	2	0	0	2	0-5	0

Гуруҳнинг кейинги турида Франция, Дания ҳамда С. Арабистони, ЖАР терма командалари учрашадилар. Гапнинг сарасини айтганда 1/8 финалга чиқиш учун энг катта имкониятга фаранг футболчиларигина эга. Шунингдек Жанубий Африка Республикаси йигитлари ҳам ҳамма нарсани йўқотганича йўқ.

Бугунга келиб, чемпионат иштирокчиларидан Бразилия, Франция, Дания, Италия терма командаларининг нимага қодирлиги аёнлашиб қолди. Бироқ Германия, Аргентина, Голландия, Белгия, Испания, Англия футболчилари сир бой берганича йўқ. Қисқаси, 26 июнга келиб сувга тушган ғалвирнинг боши кўриниб қолади, яъни, 1/8 финалчиларнинг ҳаммаси аниқланади. 27 июндан бошлаб эса, ютилган команда тўғридан-тўғри ўз юртига равона бўлаверади. Ҳозирча гуруҳлардаги командалардан Саудия Арабистони терма командасининг кейинги босқичга чиқиш учун ҳеч қандай имконияти қолмади. Шунингдек, ўзининг санъаткорона футболи билан дунёга ном чиқарган Испания терма командасининг ҳам ҳоли бироз тангроқ. Улар 1/8 финалга чиқиш учун қолган икки учрашувни ҳам ғалаба билан тугатиши шарт. Акс ҳолда...

Нормурод МУСОМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири

ЯНА ЧИПТАЛАР ҲАҚИДА

Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг очилишидан бир неча кун ўтгач жанжал содир бўлди. Давлатлар орасида чипталарни тақсимлаш пухта ўйланмаган эди. Ташкилий қўмитанинг таъкидлашича, умумий қийинчилик шундаки, чемпионатнинг 64 ўйини учун 2.648.000 чипта тайёрланганди, лекин талаб «ўн баробар кўп» эди. Дунё ўлкаларида футбол бўйича жаҳон чемпионати мусобақаларига чипта ва Францияга сайёҳлик йўлланмаларни таклиф қиладиган қалбаки сайёҳлик фирмалари пайдо бўла бошлади.

Шу кунларда ғазабланган ва алданган бутун дунёдаги футбол ишқибозлари ФТҚга мурожаат этиб, уларни чипта билан таъминлашларини талаб қилмоқдалар.

Ўтган ҳафта мингга яқин алданган бразилиялик футбол муҳлислари Париж марказидаги «Конкорт—Лафайетт» меҳмонхонаси олдида ваъда қилинган чипталарни талаб қилган норозилик намойишига чиқдилар. Марокко—Норвегия учрашуви арафасида француз полициячилари қўлида 125 чипта бўлган 37 ёшли Британия фуқаросини қўлга олдилар. Швеция чипталар тарқатиш агентликларидан бирида ишлайдиган Джон О Конел зиммасига бу чипталарни Францияда сотиш юклангланини тан олди.

ФТҚ Бош директори Жак Ламбер 12 июнь куни чемпионат матбуот марказида рўй берган жанжаллар юзасидан матбуот конференциясини ўтказди. Конференцияда у: «Биз бир неча маротаба миллий ва халқаро оммавий ахборот воситалари орқали чипталарни фақат ФТҚ, ФИФА ва 17 та вакил қилинган сайёҳлик тарқатувчилар орқали сотиб олиш ҳақида огоҳлантиргандик ва ҳушёрликка чақиргандик, лекин ўшанда бизни ҳеч ким эшитмаганди» — деди. Жак Ламбер айни пайтда ФТҚ эркин савдо учун чипталар йўқлигини ҳам айтиб ўтди.

Ж. ДЕҲҚОНОВ,
«Жаҳон» АА
Париж.

Ўзбекистон – дунё нигоҳида

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али бир неча йиллардан бери Америка Қўшма Штатларида бўлиб Вашингтон университети талабаларига ўзбек тили ва адабиётидан сабоқлар бериб келади. Адибимиз бу мамлакатда бўлган суҳбатлар, учрашувлар ҳақида «Мен кўрган Америка» номли китоб ёзди. Қуйида шу асардан бир парча ўқийсиз.

Муҳаммад АЛИ
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЎЗБЕКЧА ШЕЪР ЁЗГАН АМРИҚОЛИК ҚИЗ

Тинч океан соҳилида, Сиэтл шаҳрида ёз фасли мўътадил келади.

... Сабоқлар ҳар куни соат ўн иккида якунланади, аммо шунинг билан иш тугамайди. Марказий Осиё тиллари ва маданияти Ёзги программаси тақвими бўйича тушдан кейин ҳам машғулотлар тиғиз тузилган. Тақвимга кўра, Ўзбекистон тарихига оид, маданиятимиз, адабиётимиз, улуғ сиймоларимиз ҳаётига оид суҳбат-маърузалардан биронтаси тингланади, мубоҳаса қилинади. Урф-одатларимиз, анъаналаримиз ҳақидаги мулоқотлар, айниқса, қизиқарли кечади. Ўзбекистон ҳақидаги суҳбатлар Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари тўғрисидаги гурунгга боғланиб кетади. Суҳбатлар орасида бадиий, ҳужжатли фильмлар намойиш қилинади. Америкада, юз бор эшитгандан кўра бир бор кўрган афзал, деган ақиданинг этагидан тутадилар-да. Фильмларни Илзахонимнинг «фильмотека» сидан дейиш мумкин, чунки фильмлар олиманинг Марказий Осиёга сафарлари давомида битта-биттадан йиғилган: ўзбекларнинг «Тоҳир ва Зуҳро», «Навоий шеърияти байрами», тожикларнинг «Тоғлар орасида фожиа», қозоқларнинг «Қиз Жибек», каби кино асарлар. «Марказий Осиё ўтиш даврида» деган номда тингланган тўққиз маъруза Туркистоннинг ўтмиш ва бугунги куни муаммоларини ўз ичига қамраган эди. Кўнгилларимиз умум Туркистон тақдиридан сув ичарди. Туркистон ҳақида ўйлардик, хаёлимиз узоқ-узоқларга кетарди...

Университетда доимий иш олиб борадиган «Ўзбек тўгараги» бор. Ўзбек тили гуруҳи жуда фаол гуруҳлардан, Унинг йигинлари доим гавжум ўтади, бошқа гуруҳлардан ҳам келишиб, Ўзбекистоннинг кечаги ва бугунги маданий ҳаёти, турмуши ҳақидаги суҳбатларда иштирок этишади. Инсонни даражаи камолга етказишга қаратилган ахлоқу одоб мажмуиимиз, оила, меҳмон кутиш, ҳашар, маҳалла — барча-барчаси уларни қизиқтирарди. Оиланинг бизда мустаҳкамлиги уларга мақбул тушди, чунки Америкада оила мустаҳкам эмас.

Меҳмоннавозлигимиз барчанинг ҳавасини келтирди, сабаби, шогирдларимиз ичида Ўзбекистонга ташриф қилганлар ва бу ҳурмату эътиборни ўз кўзлари билан кўрганлар ҳам бор эди, меҳмонни ўзбеклар қандай эъзозлашларини билардилар, шу ҳақда ўзлари гапириб бердилар.

Ўзбекча ҳашар ҳам барчанинг диққатини ўзига тортди. У ҳақда эшитишиб, бу демократиянинг ўзига хос халқона усули экан-ку, дейишди. Айниқса, ўзбек маҳалласи ҳақидаги суҳбатимиз жуда мазмунли ўтди.

Мен маҳалла тушунчаси, унинг моҳияти, бу ажойиб ижтимоий жамоа фаолияти тўғрисида сўз юритдим.

— Маҳалла, — дедим мен, — одамларнинг яшаш жойига қараб, ихтиёрий уюшган баҳамжиҳат жамоа номидир. Маҳалла раиси тўй-маъракаларини ўтказиш, ҳашар уюштириш, уйлар олдисотдиси билан шуғулланиш, низоларни бартараф этиш ишларига мутасадди, барча унинг гапига қулоқ солади. Қатор маҳалланинг ўз масжиди бор, омборхонасида эса тўй-маъракалар учун дош қозон, идиш-товоқ, стол-стуллар сақланади. Маҳаллада одамлар тўйда ҳам бирга, азада ҳам бир-бирининг ҳолидан хабар олади, кўмак беради.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримовнинг маҳалла обрўйини яна ҳам кўтариш, мавқеини тиклаш, моддий томондан бақувват қилиш ҳақидаги фармонлари тўғрисида гапирдим.

— Ҳа, маҳалла ноёб ҳодиса, — давом эттирдим сўзимни мен. — Бу кичик ватан шаклидир, бу ерда одамлар бир-биридан огоҳ, бири-бирига ҳамкору ҳамдард, энг муҳими, инсон бу дунёда ўзини ёлғиз сезмайди. Бунинг болалар тарбиясига ҳам катта таъсири бор...

— Маҳалла ижтимоий жамоалар тарихида феномен ҳисобланиши керак, — деди Вашингтон университети талабаси Сара Лунган. — Бу чиндан ҳам мисли кўрилмаган ҳодиса экан. Тошкентга борганимда ўзим ҳам кўрдим...

— Бизнинг Америкага, Оврупога ҳам жуда керак экан бу маҳалла! — фикр билдирди Лора Адамсон, Калифорния (Беркли) университети аспиранти.

— Сиз айтган маҳалла, янгидан, яъни Ўзбекистон мустақил бўлгандан сўнг ташкил қилиндими? — сўради шогирдимиз Кен Кейес.

— Йўқ, албатта! — тушунтирдим мен. — Маҳалла олис тарихга эга...

Иттифоқо, сал аввал тарихимиз ҳақида суҳбат ўтказиб, тарихий романларимиздан ҳикоя қилгандим, хусусан, «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Кеча ва кундуз», «Навоий», «Улуғбек хазинаси», «Бобур», «Темур Малик», «Сарбадорлар» тўғрисида гапириб бергандим. Ҳали Америка кашф қилинишига 130 йиллар бор эди, — дедим мен, — Самарқандда сарбадорлар юрт мустақиллиги учун курашдилар. Ана шу курашчиларнинг раҳбари Абу Бакр Калавий Самарқанддаги пахта тозаловчилар маҳалласининг оқсоқоли эди. Маҳалланинг тарихий ва ижтимоий илдизи жуда терандир, — дея сўзимни тугатдим.

Илзахоним сўз олиб, деди:

— Тошкентда бўлган вақтларимда, ана шундай маҳалларга борганман, Абдулла Қодирий маҳалласига, масалан, тўйларда иштирок этганман, кўрганман... Оламда ўхшаши кам жамоа. Дарвоқе, Олмонияда шунга ўхшаб кетадиган маҳаллалар бор. Умуман, бу жамоа шакли мени жуда қизиқтириб келади. Ўзбек маҳалласи ҳақида бирон нарса ёзиш истаги ҳам йўқ эмас...

Профессор ўз сўзларини тездагина исбот қилди. 1996 йилда Миннеаполис шаҳрида Марказий Осиё республикаларига бағишланган катта анжуманда маданий анъаналар тикланиши ва ўзбек маҳалласи ҳақида тўлқинланиб гапирди...

Машғулотларга бой икки ой — Сиэтл ёзининг мўътадил айёмлари ана шундай алпозда кечади, кун тунга уланади, тун кунга... Ҳамма нарса жадаллаштирилган курс мақомига мос олиб борилади. Дарслар... суҳбатлар... маърузалар... савол-жавоблар... видеофильмлар... Вашингтон университети сабоқхоналарида қизғин паллалар ҳукмрон.

Талабалар, шогирдларимиз тилни ўрганишиб борган сари, бир-бирларига ўзбекча ҳазил гаплар отишиб, маҳоратларини намойиш этардилар. Исмларини ҳам ўзбекча атардилар, Марк — Мурод каби; флориданалик Дебби деган қиз ўзига «Орзигул» номини танлабди, япон қизи Тасия Асакаванинг ўзбекча номи эса «Тошхон» эди. Ҳамма шундай атарди, ўзи ўзбек қизларига ўхшарди.

Ўтган йиллар ўзбек тили гуруҳи тингловчилари орасида яхши анъаналар пайдо бўлди. Шулардан иккитаси ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман... Шогирдларимиз икки ой давомида озод Ўзбекистон ҳақида суҳбатлар эшитиб, унинг маданияти, адабиёти билан яқиндан танишиб, тарихини ўрганиб Ўзбекистонга, демакки Туркистонга меҳр қўйиб қоладилар, кўнгилларида илиқ туйғулар уйғонади. Табиийки, уларни ифода қилиш эҳтиёжи туғилади. Дарсларда байрамларимиз ҳақида сўз кетганда, 1991 йил 1 сентябрь — Мустақилликка эришган кунимиз эканлиги тўғрисида, ушбу улуғ кунимиз борасида ҳаяжонларга берилмай гапирмасликнинг иложи йўқ. Шогирдларимиз халқимизга бўлган эҳтиром туйғуларини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни муносабати билан Президент Ислом Каримовга йўлланган табрикномаларида ифода этишга ҳаракат қиладилар. Ҳар йили шундай бўлади, бу табриклар — уларнинг остида АҚШнинг турли штатларидан келган кишиларнинг имзолари туради, — байрам арафасида ўзбек газеталарида эълон қилинади. Эсимда бор, 1995 йил эди, бир куни эрталаб дарсларга келсам, Илзахоним мени кутиб турган экан. Қувончлари чексиз, қўлларида эса хат.

— Президент Ислом Каримовдан мактуб олдим! — у мактубни менга узатди...

«Вашингтон университети профессори, Марказий Осиё тиллари ва маданияти Ёзги Дастури раиси Илза Лауде СИРТАУТАСга Муҳтарама ИЛЗАХОНИМ!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик куни тўрт йиллиги муносабати билан юборган табригингиз, ўзбек халқи шаънига билдирган эзгу тилакларингиз учун Сизга ва шогирдларингизга чуқур миннатдорчилик изҳор этаман.

Сизларнинг ўзбек тили ва маданиятига бўлган зўр қизиқишингиздан жуда мамнунман. Ўзбек тили, адабиёти, тарихи чиндан ҳам ўрганишга арзийдиган қадимий, бой маданиятлар сирасига киради. Ўйлайманки, шундай маънавий-маърифий алоқаларни яна ҳам камол тондириш, шубҳасиз, ижобий самаралар беради.

Бу соҳада шахсан Сизнинг, Илзахоним, хизматингизни юксак қадрлайман, икки дўстона мамлакатлар ўртасидаги маданий алоқалар янада ривожланади, деб умид қиламан.

Сизга ва барча шогирдларингизга сиҳат-саломатлик, бардамлик, улкан ишларингизда муваффақиятлар тилайман!

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ

Тошкент, 1995 йил 23 август»

Мактубни ўқиб кўриб мен ҳам бағоят ҳаяжонландим. Менга бу мактуб юртбошимиз томонидан Туркистон дарсларини рағбатлаштиришдек туюлди...

Анъаналардан яна бири, дарслар тугагандан сўнг гуруҳлар бирлашиб, битирув оқшомини ўтказишдир. Нафсиламирини айтганда, бу оқшом чиқаётган ҳар куни шоирларимиз тилни ўрганишиб борган сари, бир-бирларига ўзбекча ҳазил гаплар отишиб, маҳоратларини намойиш этардилар. Исмларини ҳам ўзбекча атардилар, Марк — Мурод каби; флориданалик Дебби деган қиз ўзига «Орзигул» номини танлабди, япон қизи Тасия Асакаванинг ўзбекча номи эса «Тошхон» эди. Ҳамма шундай атарди, ўзи ўзбек қизларига ўхшарди.

Ислом Каримовга йўлланган табрикномаларида ифода этишга ҳаракат қиладилар. Ҳар йили шундай бўлади, бу табриклар — уларнинг остида АҚШнинг турли штатларидан келган кишиларнинг имзолари туради, — байрам арафасида ўзбек газеталарида эълон қилинади. Эсимда бор, 1995 йил 23 августдаги Президент Ислом Каримовнинг Ёзги Дастури раиси Илза Лауде СИРТАУТАСга Муҳтарама ИЛЗАХОНИМ!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик куни тўрт йиллиги муносабати билан юборган табригингиз, ўзбек халқи шаънига билдирган эзгу тилакларингиз учун Сизга ва шогирдларингизга чуқур миннатдорчилик изҳор этаман.

Сизларнинг ўзбек тили ва маданиятига бўлган зўр қизиқишингиздан жуда мамнунман. Ўзбек тили, адабиёти, тарихи чиндан ҳам ўрганишга арзийдиган қадимий, бой маданиятлар сирасига киради. Ўйлайманки, шундай маънавий-маърифий алоқаларни яна ҳам камол тондириш, шубҳасиз, ижобий самаралар беради.

Бу соҳада шахсан Сизнинг, Илзахоним, хизматингизни юксак қадрлайман, икки дўстона мамлакатлар ўртасидаги маданий алоқалар янада ривожланади, деб умид қиламан.

Сизга ва барча шогирдларингизга сиҳат-саломатлик, бардамлик, улкан ишларингизда муваффақиятлар тилайман!

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ

Тошкент, 1995 йил 23 август»

Мактубни ўқиб кўриб мен ҳам бағоят ҳаяжонландим. Менга бу мактуб юртбошимиз томонидан Туркистон дарсларини рағбатлаштиришдек туюлди...

Анъаналардан яна бири, дарслар тугагандан сўнг гуруҳлар бирлашиб, битирув оқшомини ўтказишдир. Нафсиламирини айтганда, бу оқшом чиқаётган ҳар куни шоирларимиз тилни ўрганишиб борган сари, бир-бирларига ўзбекча ҳазил гаплар отишиб, маҳоратларини намойиш этардилар. Исмларини ҳам ўзбекча атардилар, Марк — Мурод каби; флориданалик Дебби деган қиз ўзига «Орзигул» номини танлабди, япон қизи Тасия Асакаванинг ўзбекча номи эса «Тошхон» эди. Ҳамма шундай атарди, ўзи ўзбек қизларига ўхшарди.

Ўтган йиллар ўзбек тили гуруҳи тингловчилари орасида яхши анъаналар пайдо бўлди. Шулардан иккитаси ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман... Шогирдларимиз икки ой давомида озод Ўзбекистон ҳақида суҳбатлар эшитиб, унинг маданияти, адабиёти билан яқиндан танишиб, тарихини ўрганиб Ўзбекистонга, демакки Туркистонга меҳр қўйиб қоладилар, кўнгилларида илиқ туйғулар уйғонади. Табиийки, уларни ифода қилиш эҳтиёжи туғилади. Дарсларда байрамларимиз ҳақида сўз кетганда, 1991 йил 1 сентябрь — Мустақилликка эришган кунимиз эканлиги тўғрисида, ушбу улуғ кунимиз борасида ҳаяжонларга берилмай гапирмасликнинг иложи йўқ. Шогирдларимиз халқимизга бўлган эҳтиром туйғуларини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни муносабати билан Президент Ислом Каримовга йўлланган табрикномаларида ифода этишга ҳаракат қиладилар. Ҳар йили шундай бўлади, бу табриклар — уларнинг остида АҚШнинг турли штатларидан келган кишиларнинг имзолари туради, — байрам арафасида ўзбек газеталарида эълон қилинади. Эсимда бор, 1995 йил эди, бир куни эрталаб дарсларга келсам, Илзахоним мени кутиб турган экан. Қувончлари чексиз, қўлларида эса хат.

— Президент Ислом Каримовдан мактуб олдим! — у мактубни менга узатди...

«Вашингтон университети профессори, Марказий Осиё тиллари ва маданияти Ёзги Дастури раиси Илза Лауде СИРТАУТАСга Муҳтарама ИЛЗАХОНИМ!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик куни тўрт йиллиги муносабати билан юборган табригингиз, ўзбек халқи шаънига билдирган эзгу тилакларингиз учун Сизга ва шогирдларингизга чуқур миннатдорчилик изҳор этаман.

Сизларнинг ўзбек тили ва маданиятига бўлган зўр қизиқишингиздан жуда мамнунман. Ўзбек тили, адабиёти, тарихи чиндан ҳам ўрганишга арзийдиган қадимий, бой маданиятлар сирасига киради. Ўйлайманки, шундай маънавий-маърифий алоқаларни яна ҳам камол тондириш, шубҳасиз, ижобий самаралар беради.

Бу соҳада шахсан Сизнинг, Илзахоним, хизматингизни юксак қадрлайман, икки дўстона мамлакатлар ўртасидаги маданий алоқалар янада ривожланади, деб умид қиламан.

Сизга ва барча шогирдларингизга сиҳат-саломатлик, бардамлик, улкан ишларингизда муваффақиятлар тилайман!

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ